



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

## BUYRUG'I

2017 yil "05" 06

№ 245

Toshkent sh.

**Соғлиқни сақлаш тизимида янги ташкил қилинаетган оилавий поликлиникаларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича маҳсус қисқа муддатли ўқув дастури тизимини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 марта ги ПҚ-2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш, янги ташкил қилинаётган кишлек оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам шахобчаларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Х.А.Акилов), Самарқанд Давлат тиббиёт институти (А.М.Шамсиев), Андижон Давлат институти (в.в.б М.М. Мадазимов), Тиббий таълимни ривожлантириш маркази (М.Х.Алимова) жорий йилнинг 7 июнигача янги ташкил қилинаётган оилавий поликлиникаларда ва тез тиббий ёрдам шахобчаларида етишмаётган олий маълумотли тиббиёт кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича маҳсус қисқа муддатли ўқув дастурларини ишлаб чиксин ва ўрнатилган тартибда тасдиклансин.

2. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ў.С.Исмаилов), Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси (Ф.Р.Шарипов), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Х.А.Акилов), Андижон давлат тиббиёт институти (в.в.б М.М.Мадазимов), Самарқанд Давлат тиббиёт институти (А.М.Шамсиев):

янги ташкил қилинаётган оилавий поликлиникаларда, тез тиббий ёрдам шахобчаларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича мўлжаланган маҳсус ўқув дастурига биноан ўқитиш графиги жорий йилнинг 7 июнига қадар тасдиклансин ва ўқитилиши таъминлансин;

жорий йил 10 июнидан маҳсус қисқа муддатли ўқув дастурлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва мутахассисликни кайта тиклаш ўқув циклари киритилсин; мутахассисликни кайта тиклаш учун (тор мутахассис бўлиб ишлаган ва кейинчалик УАШ врач мутахассислигига ўқиб ишлаган врачлар учун) 1 ой муддатлик цикллар тор мутахассисликка эга бўлиб терапия, педиатрия, хирургия, акушерлик-гинекология ва ультратовуш диагностикаси мутахассисликларини эгаллашга даъвогар врачлар учун – 2,5-3,5 ойлик цикллар;

007016 \*

қишлоқ оиласи поликлиникаларидаги терапия, педиатрия, хирургия, акушерлик-гинекология ва ультратовуш диганостикаси мутахассислари бўйича умумамалиёт шифокорлари учун 5-6 ойлик циклари киритилсин:

3.Коракалпогистон Республикаси соғлиқни саклаш вазири, вилоятлар соғлиқни саклаш бошқармалари бошликлари:

янги ташкил қилинаётган оиласи поликлиникаларда, тез тиббий ёрдам шахобчаларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш учун юборилаётган ходимлар рўйхатини буйруқ билан тасдикласинлар ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд ва Андижон Давлат тиббиёт институтларига такдим этсинлар;

мутахассисларни қайта тайёрлаш цикларига ўз вактида юборилиши ва келишини таъминласинлар.

4.Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш Бош бошкармаси (М.М.Мирталипов), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Х.А.Акилов):

янги ташкил қилинаётган оиласи поликлиникаларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаши билан боғлиқ харажатларни Давлат бюджетининг ҳар йилги параметрларида ушбу мақсадлар учун назарда тутиладиган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқаримаблағлар, шу жумладан пулли - контракт асосида тиббиёт ходимларининг қайта тайёрлашдан тушадиган маблағлар, ҳомийларнинг маблағлари ва хорижий грантлар доирасида амалга оширасинлар;

махсус қисқа муддатли ўкув дастурига биноан мутахассислик олган ва мутахассислигини қайта тиклаган врачларга ўрнатилган тартибда сертификат бериш таъминлансан. Ушбу сертификатларда факат Давлат соғлиқни саклаш тизимининг бирламчи бўғинида ишлаш хуқуқини бериш (қишлоқ оиласи поликлиникларида) ва хусусий бўғинда ишлаш таъкидланиши кайд этилсин.

5.Мазкур буйруқ ижросини назорат килишини ўз зиммамда колдираман.

Вазир

А. Шадманов